

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 19.01.2022 г. № 1

между Бухоро вилоят "Сувокова" ДУК и Пешку туман Ихтисослаштирилган футбол мактаб интернати на общую сумму 1639820,00

Глава

245

Казначейский лицевой счёт

100021860062407092300245001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	658 580,00			658 580,00
Февраль	658 580,00			658 580,00
Март	322 660,00			322 660,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>1 639 820,00</b>			<b>1 639 820,00</b>

Всего 1639820,00 сум

Один миллион шестьсот тридцать девять тысяч восемьсот двадцать сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 1639820 сум или 100% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



*(Handwritten signature)*  
(подпись)

Шобоев Хислат Рахматович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

*(Handwritten signature)*  
(подпись)

Акобиров Ихтиёр Рамазонович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

*(Handwritten signature)*  
(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.



Пешку туман маҳаллий бюджетлардан маблаг олувчи ташкилот ва корхоналарга ичимлик сувини етказиб бериш ва сувларни узатиш хизматлари бўйича

## ШАРТНОМА № 1

Пешку туман

«19» Январ 2022 йил.

«Бухоро Сув таъминот мчж пешку туман филали кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи М.Ахмедов номидан, бир томондан ва Пешку туман Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг устав асосида иш юритувчи раҳбари Х.Р.Шобоев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

#### II.

1.1 «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ичимлик сувни етказиб бериш ва оқова сувларни қабул қилиш (агар тегишли оқова тармоғида уланган бўлса) мажбуриятини ўз зиммасига олади, «Истеъмолчи» етказилган ичимлик, оқова сувлардан самарали ва оқилона бюджетда назарда тутилган маблаг доирасида фойдаланади. «Истеъмолчи» ўз ўрнида амалда қўлланилаётган тарифлар асосида ва ушбу Шартномада қайд этилган шартлари бўйича «Таъминотчи»га хизмат тўловларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини олади.

1.2 «Истеъмолчи» томонидан оқова тармоғида ташланган оқова сувлар микдори "Таъминотчи" ва «Истеъмолчи» томонидан ўзаро ҳал қилиб қабул қилинади.

1.3 Ичимлик сувни етказиб бериш ва оқова сувларни узатиш бўйича томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амалдаги «Ўзбекистан Республикасида коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни узатиш тизимларидан фойдаланиш қоидалари» га (матн давомида «қоидалар») ва ушбу соҳадаги ЎзР.нинг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида аниқланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

##### 2.1.1 «Истеъмолчи» ни шаҳар су

в ва оқова сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармоғидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқова сувларни (агар тегишли оқова тармоғига уланган бўлса) узатади. Коммунал тармоғидан фойдаланиш чегараси, «Истеъмолчи» нинг шаҳар ичимлик сув ва оқова сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

«Истеъмолчи» нинг тармоққа уланган жойигача бўлган ичимлик сув ва оқова сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгиланиш ҳамда ҳалокатларни ва барча сув қувурларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

Шаҳар сув ва оқова сув тармоғида таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни олиб борилаётган ҳолларда, ҳамда тўлов ҳужжатларни тўланмаган ва ушбу шартноманинг шартлари «Истеъмолчи» томонидан бажарилмаган ҳолларда, «Истеъмолчи» ни олдиндан огоҳлантирилиб, ичимлик сувни бериш ва оқова сувни узатишни тўхтатади.

«Сувоқова» корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тўхтатилганда;

Табий офатлар юз берганда;

Шаҳар сув тармоғида кучли ҳалокатлар юз берганда.

«Истеъмолчи» нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойиҳасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув таъминлаш тармоғини ва сув ўлчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради ва уларнинг тўғри техник фойдаланиш ва сақланиш шартларини амал қилинишини талаб қилади.

Сув ўлчаш асбобларни кўрсаткичларини ва уларни муҳрларнинг сақланишини ва бутунлигини кузатиб боради.

Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб сув етказиб бериш ва оқова сувларни узатиш хизматлари учун (агар тегишли оқова тармоғига уланган бўлса) белгиланган тарифлар асосида тўлов ҳужжатларини тақдим этади.



«Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва оқова сувларни узатиш тарифларини ўзгаргани тўғрисида уларни амал қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалар орқали хабар беради.

«Истеъмолчи»га амал қилиш учун кўрсатмаларни ва «Истеъмолчи»нинг вакили билан тасдикланиши зарур бўлган далолатномаларни тақдим этади. «Истеъмолчи» юқорида айтилган хужжатларга қўл қўйишдан бош тортса у ҳолларда тушунмовчилик баённомаси тузилади ва у Хўжалик судига кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда топширилади.

«Истеъмолчи»ни **2022 йил** давомида бюджет ажратилган маблағ доирасида белгиланган **371. куб 1 639 820 (Бир миллион олти юз уттиз туккиз минг саккиз юз йигирма ) сўм** миқдорда ичимлик суви билан таъминлайди. Шартнома тузилган даврда **1 м.куб** сувнинг умумий нархи **4420 сум**ни ташкил қилади «Таъминотчи» хар ойнинг 1 санасигача утган ойда курсатилган хизмат счёти фактураларини «Истеъмолчи»га тақдим қилади.

## **2.2 «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:**

2.2.1. Узига тегишли сув етказиш ва оқова сувларни узатиш тармоғининг ва иншоотларнинг техник ҳолатини ва фойдаланишини керакли равишда назорат қилади ва ўз ҳудудида ичимлик сувнинг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф қилиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

Шаҳар сув билан таъминлаш ёки оқова сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Таъминотчи»дан техник шартларини олади, унга сув таъминлаш ёки оқова сувларни узатиш тармоғининг лойихасини ва ўзига қарашли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашини тақдим этади, ҳамда шаҳар сув ёки оқова сувларни узатиш тармоғига уланиш тармоғига уланиш ёки ундан узилиш ҳаражатларини ўз зиммасига олади.

Сув ўлчаш йиғмасини (сув ўлчаш ва ўчириш асбоби) хар бир шаҳар сув тармоғига уланган қувурига, коида асосида қулай ва химояланган жойга ўрнатади. Сув улаш йиғмасини уз ҳисобидан харид қилина ва унинг зиммасига юкланади.

Сув ўлчагич йиғмасидаги муҳрларнинг сақланишини назорат қилади ва бузилган ёки сув ўлчагич ишдан чиққан ҳолларда «Таъминот» га уч кун ичида ёзма равишда хабар беради. Сув ўлчаш асбоблари «Ўзстандарт» органлари ёки уларнинг ваколатли органлари томонидан текширилишини ва муҳрланишини, ҳамда доимий текширувидан ўтишини ўз ҳисобидан таъминлайди.

Сув ўлчаш асбобини таъмирлаш ёки алмаштириш ва текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин. «Таъминот»чига хабар беради ва унинг вакили билан сув ўлчагични охириги кўрсатмаларни тасдиқлайди.

«Таъминотчи» вакилини сув ўлчаш асбоби ўрнатилган жойини ва сув тармоғини кўздан кечиришни таъминлаши шарт.

Ўз ҳудудидаги сув тармоғини лойихасини ўзгаришини ва суб-мижозларнинг уланган ҳолларини «Таъминотчи» га хабар беради ва алоҳида сув ўлчагич асбобларни ва «Сувоқова» билан тегишли шартномани тузишни талаб қилади.

Шаҳар сув тармоғига ноқонуний улангани ва ўз ҳудудидаги ичимлик суви билан беҳисоб сарфлангани учун коида 4.13. банди асосида жавоб беради.

Хар ойнинг 20-чидан то 25-гача ҳисобот ойида сарфланган ичимлик суви бўйича ваколатли шахслар томонидан ва муҳрланган равишда тасдиқланган Далолатномани «Таъминотчи»га топширади. Ҳисобот белгиланган вақтда етказилмаган ҳолда ичимлик сув сарфи аввалги ойга қараб ҳисобланади, берилган маълумотлар камайтирилган ҳолларда эса ичимлик сув сарфи даври учун шартноманинг 3.2. бандига асосан ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари ичимлик сув тўловлари учун белгиланган моддий лимитларга амал қилишади. Ўз қарори билан ички сув етказиш тармоғига, иншоотларига ва сув ўлчагич асбобларига жавобгар шахсни белгилайди ва у тўғрисида «Таъминот» га ўз вақтида маълумот беради.

## **III. ХИЗМАТ ҲАКИ, ТЎЛОВЛАР ТАРТИБИ**

3.1. Сарфланган сув учун ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» нинг сув ўлчагич кўрсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув ўлчагич асбоби ишдан чиққан бўлса, биринчи ой сарфланган сув миқдори охириги уч ой даврида бўлган ўртача ойлик сарфи бўйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Истеъмолчи» нинг сув ўлчагич йиғмаларида носозлик ёки муҳрнинг йўқлиги



(бузилганлиги) бартараф килинмаган бўлса, ичимлик сувни сарфи қувурнинг кесими иш режими сарф қобилияти асосида ҳисобланади.

3.2. Уланган қувурнинг кесими бўйича кунлик сув сарфи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:  $Q=2.65 \times F \times H$ , бунда P- қувурнинг қўндаланг кесим майдони (мм<sup>2</sup>) 1-вакт, H-сув босими (м). Бюджет ташкилотлари учун қувурнинг кесими асосида ҳисобланган сув сарфи ҳар куни 8 соат белгиланади.

3.3. «Таъминотчи»га «Истеъмолчи» ичимлик суви етказиш ва бошқа хизматлари учун бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, ойлик сумманинг 30 %и олдиндан аванс тарикасида туланади. Истеъмол килинган ичимлик суви учун қолган якуний тулов, ҳисоб - фактуралор қабул қилингандан сўнг 30 кун мобайнида амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар наҳд пулсиз пул қучириш йули билан амалга оширилади. Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда ҳар чорак, зарурият бўлганда, ҳар ой қарздорлик бўйича далолатнома тузилади.

3.4. «Истеъмолчи» ўз ўрнида амалда қўлланилаётган таърифлар асосида ҳамда 2008 йилда бюджетда қўзда тутилган ойма-ой маблағлар доирасида ва оқова сувлари учун илова қилинадиган график асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлашни ўз зимасига олади

3.5. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида хизмат кўрсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини Тўловчилар томонидан ўзаро келишилган ҳолда шартнома суммасига ўзгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

3.6. Мазкур Шартноманинг бандлари бузилган тақдирда, «Истеъмолчи» билан тегишли далолатнома тузилади ва бир ойлик ичимлик суви сарфи шартноманинг 3.2. бандига асосан жарима сифатида ҳисобланади.

3.7. Белгиланган муҳлатда «Истеъмолчи» томонидан тўловлар амалга оширилмаган тақдирда, огоҳлантириш хати юборилади, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га етказишни тўхтатади ва Хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Сув етказиш «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи» қарзларини тулик амалга оширгандан сўнг, ёки ёзма равишда қарзларни тўлаш зиммасига юклантирилгандан кейин қайта тикланади.

3.8. «Сувоқова» билан шартнома тузган «Истеъмолчи» нинг ички сув тармоғига бошқа истеъмолчилар гуруҳига қарашли суб-мижозлар уланган ҳолда, ушбу суб-мижозлар билан сув сарфи ҳисоб китоб алоҳида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар уртасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган ҳолда ечилиши лозим, ечимини топмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида суд органларига мурожаат қилишлари мумкин.

4.2. Томонлар уртасидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам, улар келтирилган зарар ва узаро қарздорлик жавобгарлигидан озод қилинмайдилар.

4.3. Шартноманинг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни ҳал қилишда томонлар «Қоидалар» асосида иш юритадилар.

#### V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома 2022 йил 19 Январдан 2022 йил 31 Мартгача амалга булади

5.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб бир хил юридик кучга эга булиб ҳисобланади ва томонларниг ҳар бири учун бир нусхадан берилади

5.3 Шартнома муддатидан олдин қуйдаги ҳолатларда бекор қилиш мумкин  
Томонларниг келишувига муофик

Ўз.Р.қонунчилик ҳужатларида назарга тутилган ҳолатлар

-Форс-Мажор ҳолатларида

#### VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА ҚИРИШИ

7.1 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Газна ижроси тўғрисидаги қонуннинг 7 моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6 –бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар хизматилар) етказиб берувчилар билан шартномалари шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначилик рўйхатга олиш шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириш назарга киритилган



**VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**«ТАЪМИНОТЧИ»**

«Бухоро Сув таминоат мчж пешку туман филиали»  
(ижрочининг номи)

Манзили **Хамид Олимжон кучаси**

тел\факс 35-33-768

х\р 22638000600309412327

банк номи Бухоро ш., Ипотека-Банк А.

МФО 00088 ИНН 201513859

ОКОНХ 90213

Рахбар **М.Ахмедов**



(имзо)

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**

**Пешку туман О ва МСТБДИМИ**

(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили: **Пешку тумани дустлик куча**

тел\факс:

ш\хв: 100021860062407092300245001

Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 203881678

ОКНХ 91700

Газначилик бўлим номи: **Пешку тумани буйича Газначилик бўлини маси**

Газна х/в **23402000300100001010**

Банк номи **Марказийбанк Тошкент шаҳар.**

МФО 00014

Газначилик бўлими СТИРи 201122919

Рахбар **Х.Р.Шобоев**



(имзо)

Хукушунос (имзо ва Ф.И.Ш.):

*Х.Р.Шобоев*